

ТЎРА СУЛАЙМОН

# ҚОРАКЎЗГИНАМ

Шеърлар



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

1981

Шоирларни шоҳдан улуг, дейдилар. Шундай бўлиши мумкиндир. Ҳар қаласи бу—шоир аҳлига жуда-жуда ёқадиган, кўнглини осмон бўйи кўтарадиган гандир. Бироқ, менимча шоирлар фақат ва фақат бир нарсага — китобхонга, унинг назар-эътиборига зордирлар.

Илҳом билан битилган шеър тилдан-тилга кўчиб, элдан-элга ўтади. Кўннинг муқаддас мулкига айланади. Бу шеърятнинг сеҳрига тегишли гап.

Лалалхусус машқларимнинг эл-улусга бир қадар маъқул тушишидан ўзга армоним йўқдир.

Муаллиф

С  $\frac{70403-110}{356(04)-81}$  54 — 81 4700000000

© «Еш гвардия», 1981

## СОҲИБИ ДАВРОНИМСАН

Болажон, бағримизнинг бутунлиги сен билан,  
Давру давронимизнинг дурқунлиги сен билан,  
Қоммуна фаслининг ҳам яқинлиги сен билан  
Бола, болажонимсан,  
Беғубор осмонимсан.

Бу олам сенинг каби беғубор бўлса эди,  
Ҳар қилиқ, ҳар дамнингдай бетакрор бўлса эди,  
Мусаффо, бегардлиги бақарор бўлса эди.  
Эруғ бир жаҳонимсан,  
Бола, болажонимсан.

Умримиз боқийлигин изларингда кўраман,  
Боғлар безаволлигин юзларингда кўраман,  
Юлдузлар сўнмаслигин кўзларингда кўраман.  
Бола, болажонимсан.  
Тенги йўқ гулшанимсан.

Сенингсиз кўча-кўй бир хазон бўлган боғ мисол,  
Сенингсиз ўтган ҳар он—юракдаги доғ мисол,  
Сенингсиз ўсган кўнгил—хазинасиз тоғ мисол.  
Тугамас дostonимсан,  
Бола, болажонимсан.

Истагим: буйларингга ҳеч кимса зор бўлмасин,  
Кўксиди армонлари қат-қат—бисёр бўлмасин.  
Умидлари — бемаврид узилган тор бўлмасин.  
Бола, болажонимсан.  
Булбули забонимсан.

Сен каби тиниқ эди оламнинг яралиши,  
Орта борди табора юксалиши, ташвиши,  
Энди сенинг қўлингда келажак навозиши.  
Қудратли уммонимсан,  
Бола, болажонимсан.

Дунё болаларининг бахти бирдай бўлар кун,  
Толенг тоғдай буюк, авжи Сирдай бўлар кун,  
Ҳадемай келар умри қутлуғ бир таъбирдай кун,  
Соҳиби давронимсан,  
Бола, болажонимсан.

## ИЛТИЖО

Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши,  
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши,  
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:  
Тўхтагай табиатдан Ҳаққушлар зорланиши,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?  
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?  
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда,  
Баҳор, сенсиз саҳрою тоғу тошга жон қайда?  
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Улмасликка ишора —  
ўланга ошиқлигим.

Саодатга ишора —  
замонга ошиқлигим.

Теранликка ишора —  
уммонга ошиқлигим.

Гўзалликка ишора —  
бўстонга ошиқлигим.

Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Букун қай бир ерда қиш, қайда хазон резгилик,  
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик,  
Кўкламнинг ҳар нафаси—умрга арзигулик,  
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...  
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,  
Майсадаги шудринглар — кимларнинг кўзёшлари?

Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,  
Ҳар баҳор эслар уни қавми қариндошлари.  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ез бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,  
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,  
Қуз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,  
Баҳорсиз ҳам днёрсиз эл ичра беназарман.  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

## Қ А Й Д А Д И Р

Боғларга ёндошиб, кўкка туташиб,  
Давонлар ошмасанг маъдан қайдадир.  
Ортада қолар бўлсанг кўпдан адашиб,  
Орзу истак тугил армон қайдадир.

Зоғ билан булбулни фарқ қилмас зотга,  
Наъф бўлса ноқасдан айрилмас зотга,  
Бошга кун туққанда қайрилмас зотга  
Ёру дўст қайдадир, ёрон қайдадир.

Меҳру шафоат бор, шафқат бор ерда,  
Ҳалоллик бор ерда, ҳаром хор ерда,  
Барча бирдай ерда, баробар ерда  
Бадномларга ардоқ, омон қайдадир.

Чорасиз кимсага, чоғсиз кимсага,  
Кўндан айрилган — бир боғсиз кимсага,  
Суянмоқ истаса тоғсиз кимсага  
Бир муддат армонсиз замон қайдадир.

Не бир кунларингдан энг яқин дўстдан,  
Туққан, тутинганинг — дили пайвастандан,  
Жонини аямас ҳамдам, ҳамдастан  
Гумон қилар бўлсанг имон қайдадир.

Одамзод билмас энди аламини,  
Урушни, ўлимини, кулфатни, ғамни.  
Магар такрорласа даҳшатли дамни  
Сизу бизга еру осмон қайдадир.

## МЕНИНГ ҚОРАҚЎЗГИНАМ

Қўшчинор соясига жон талпинар чоғ эди,  
Саратон салтанати — кўк юзи бедоғ эди.  
Сой бўйи, сайхонларда кўйчиларнинг нағмаси.  
Келин уйи, ўтовда санамлар ҳангомаси.  
Ўркач-Ўркач тоғларнинг қоясида сор кезар,  
Қўз илғамас чўққида чўнг мўғуз алқор кезар.  
Жайрон бола қайдандир тушиб келар булоққа,  
Овчининг кўзлари тўрт, келсин деб яқинроққа...  
Шу йўсинида ҳафталаб дара кезмоқда эдим,  
Тустовуқ, каклик овлаб кун ўлказмоқда эдим,  
Холи бўлгандай эдим оламнинг ташвишидан,  
Беномуслар гийбати, подон дўст олқишидан...  
Отда эмас, пиёда қанчалаб қир ошгандим,  
Гўяндалик аксими, ҳар қалай адашгандим...  
Ногоҳон малак сиймо бир қиз чиқди қошимдан,  
Хурккан бўлди оҳудай суқланиб қарашимдан,  
Ақл бовар қилмасди минган аргумоғига,  
Кўз тегмасин кўзига, қирмизи яноғига...  
Калимага келмас тил, таажжубдан лол эдим.  
Бошдан учиб ақлу ҳуш беҳол, бемажол эдим...  
Кизнинг кўзи йироқда, қайгадир шошар эди,  
Туйғундай талпиниши бирам ярашар эди.  
Фарҳоддан мадад тилаб, сўз қотдим тоғ қизига,  
Бу гўшанинг тенги кам мунаввар юлдузига:

-- Лаъли лабинг ол, сулув,  
Сочинг мажнунтол, сулув.  
Оқ юзингга хол бўлсам,  
Келмайми малол, сулув!



— Қош қораси, қораси —  
Хаста дил садпораси.  
Хол бўлгунча бўлурсиз,  
Бу жаҳон аввораси.

— Мен овчиман, овчиман,  
Тўйларда жирловчиман.  
Бу кун сендан дардимга,  
Даво сўроғловчиман.

— Олтин топган дараси —  
Дараларнинг сараси.  
Бу оламда бу дарднинг  
Топилгайми чораси?!

Бу сўзни айта-айтмас яйлов томон қиз кетди,  
Мен қолдим Мажнун мисол — юрагимга муз кетди.

Сўнги сўзим шу бўлди  
Қиздан айрила туриб  
/Не бахтки, қулоқ солмиш  
У ҳам қайрила туриб/:

Сендан ўзгани десам қон ютай лахта-лахта,  
Елғиз ўтай, зор ўтай, бир умр айрилиқда...

\* \* \*

Дилда армон не қилсин, давр яхши, даврон яхши,  
Ким дегай ҳақ бор жойда балном, бадгумон яхши?!  
Олмалиқ атрофида ёридан қўйчибон шод,  
Қўйчибон — каминангиз, бундан моҳитобон шод.  
Қўйчибон бўлган билан қўлдан саз тушганча йўқ,  
Аввалги оҳангидан чалғум адашганча йўқ.  
Акс ҳолда авж пардаси авж олмоқда кун сари,

Ва лекин талпинар дил баъзида Сайхун сари...  
Бизни сўраб ким келса, хизматида торимиз.  
Ҳамдard, ҳамнафас бўлса тарқагай губоримиз.  
Пешвоз чиқар қошига маним қоракўзгинам,  
Ўзи бепардозгинам, ўзи дилнавозгинам...

## УЙНАСА...

*(Дилафруз Жабборовига)*

Сайри боғ бошланур денг, раққоса қиз ўйнаса,  
Ешлик олқишланур денг, раққоса қиз ўйнаса,  
Товус товланиши ҳам элга бағишланур денг,  
Раққоса қиз ўйнаса,

Ҳовуз бўйи қайрағоч, барглари майда-майда,  
Боғсиз, баҳорсиз ерда гул қайда, булбул қайда?  
Санъатига, сеҳрига ҳар ким ҳам бўлур шайдо,  
Раққоса қиз ўйнаса.

Саҳнага қир доласи кўчиб келгандай бўлур,  
Кўклам чоғи қалдирғоч учиб келгандай бўлур,  
Гўё оҳу қайлардан чўчиб келгандай бўлур,  
Раққоса қиз ўйнаса.

Фурсат ўтмай тун тонгга айланади шекилли,  
Тонг юлдузи саҳнада товланади шекилли,  
Тўп кабутар учмоққа шайланади шекилли,  
Раққоса қиз ўйнаса.

Гўё ой ҳам тўлишиб, кўк юзи тиниқ тортар,  
Юлдузлар жамолига бу дилда ҳавас ортар,  
Саф чеккандай чаманда гуллар ҳам турна қатор,  
Раққоса қиз ўйнаса.

Гулҳан мисол юраклар лов-лов ёнса не ажаб,  
Гулхонага ўт тушиб оловланса не ажаб,  
Хира юлдуз қуёшга ҳам айланса не ажаб,  
Раққоса қиз ўйнаса.

Сайри боғ бошланур денг, раққоса қиз ўйнаса,  
Ешлик олқишланур денг, раққоса қиз ўйнаса.  
Санъатимиз, созимиз элга бағишланур денг,  
Раққоса қиз ўйнаса.

## ЎЗГА СОЗНИ ЧАЛГУЛИК ҚИЛМА

Улкан йўлга чиқдим, йўлимда,  
Қайдам, қорли қоялар бордир.  
Ўзлингмча, ўй-хаёлимда  
Қиш билганим балки баҳордир...  
Баҳор фасли, баҳор нафаси  
Йўлларимга кўп интизордир.

Йўлим тўғри, йўригим ҳақдир,  
Улкан йўлдан кетиб бораман.  
Бировлардан қолиб орқада,  
Бировлардан ўтиб бораман.  
Манзил қайда, гап қайда ҳали  
Билмам, қачон етиб бораман!

Еш боладай тиним билмасдан,  
Бирда хиёл шошиб бораман.  
Сўқмоқларни кўзга илмасдан,  
Дарё мисол тошиб бораман.  
Гоҳи боқмай олди-ортимга,  
Ўз ҳаддимдан ошиб бораман...

Бўла билмас муродим ҳосил  
Шошган билан, адашган билан.  
Из қолдирмай юрган йўлимда  
Улкан йўлга туташган билан,  
Ўз йўлимни топмасдан туриб.  
Ўзгаларга ёндошган билан.

Манзил қайда, гап қайда ҳали  
Аро йўлда қолгулик қилма.

Ота мерос сoзим турганда,  
Ўзга сoзни чалгулик қилма,  
Қўшиқларим — қувончларимсиз,  
Исму жисмим мангулик қилма.

## ГУЛ КҶЧАТ

Боғимда бор гул кўчат,  
Гул кўчат, сумбул кўчат.  
Муътабар, қойил кўчат,  
Мушки анвойи кўчат.

Ҳар гунча, ҳар баргига,  
Барқутранг баргигига,  
Чиройига, кўркига  
Қизлар шайдойи кўчат.

Усган ери Сир бўйи,  
Тупроғи зар, нур бўйи,  
Сўнмагай умр бўйи.  
Ноёб, киройи кўчат.

Ишқида баҳор, ёзда,  
Фасли қишда, аёзда.  
Сайраб юз хил овозда  
Булбул адоийи кўчат.

Юлеун ўрнида ўсган,  
Гармсел йўлини тўсган.  
Хиди Сир бўйлаб эсган,  
Жоним фидойи кўчат.

## Б У Л М А С А

Сайёралар нотинч, уммонлар нотинч,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.  
Наслу насаб нотинч, замонлар нотинч,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Не қилсин давраю дилда шодмонлик,  
Барча қитъаларда қут, фаровонлик.  
Қўшинда собитлик: элда омонлик,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Кўнгилга сиққайми қўш сурнай саси?  
Тиниб-тинчигайми тўплар наъраси?  
Хотиржам тургайми тинчлик қалъаси?  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Чексиз само бўлмас тиниқ, беғубор,  
Қўналга, маконсиз кезар кабутар.  
Барча ерга бирдай келмагай баҳор,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Мағриб нотинч бўлса безовта машриғ,  
Дўст-дўстдан имдодин тутмагай дариг,  
Қаер зулмат ичра, қаердир ёруғ,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.



Элчилар кўнглида гулгула мудом,  
Хавфу хатар кезар қадам-бақадам.  
Қай бир бегуноҳнинг кўзларида нам,  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Файз не қилсин боғу бўстон ичинда.  
Тўй ўрнига аза — дoston ичинда.  
«Қараб туриш йўқдир!» — фармон ичинда...  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

## ҚҰШИҚ ҚАЙДАН КЕЛАДИ?.

Сўрайсан қиз:

— Қўшиқ қайдан келади?

— Қўшиқ, меҳрим жўшган жойдан келади.

Муҳаббатим билсанг; элу юртимга,

Дарё бўлиб тошган жойдан келади.

Поёнсиз пахтазор, тоғу ҳам тошга,

Еру осмонимиз, юлдуз қуёшга.

Валентина каби бир ватандошга

Жон-дилим туташган жойдан келади.

Ажиб бўстон бўлди Мирзайи азим,

Инсон қудратига қиламан таъзим.

Элга ҳамдам қўшиқ, гар солсанг разм,

Чиройи ярашган жойдан келади.

Нафосат не қилсин насоғлом танда?

Камол топиб, ўсдим гулдай Ватанда.

Ҳурмат, эътиқоди бу азиз жонда,

Бир олам қалашган жойдан келади.

Етти иқлим аҳли етар муродга,

Коммуна манзили — қутлуғ ҳаётга.

Ёт бўлар тўп саси бу коинотга,

Жумла халқ бирлашган жойдан келади.

## УМР ЎТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ

Гулдай болаликни қолдириб ортида,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.  
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оппоқ тонгни улаб тийран шомга,  
Бирда шак келтириб сирли оламга,  
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Қай кезлар ушалмай орзу армонлар,  
Ёхуд барбод бўлиб аҳду паймонлар,  
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,  
Юрар йўлимиздан бирда адашиб,  
Бирда ёш боладай адашиб, шошиб,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,  
Қутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.  
Беҳуда ўтган дам — кўнгил эзилар...  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлиқ — не дамларимиз,  
Билиб-билмай босган қадамларимиз,  
Хайрли иш, алам, карамларимиз,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,  
Болалик бошқатдан қайтарилмоқда...  
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Улмас созни ўйлаб дегинг келмайди,  
Учмас издан сўйлаб дегинг келмайди,  
Мангуликка бўйлаб дегинг келмайди,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...

Бу оламга келиб олам яратиб,  
Дунёни ўзига буткул қаратиб.  
Яна эрта кунга ҳавас уйғотиб,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

## УХШАР

Куйга-куй уланур базм оқшоми,  
Еру кўк хазонсиз фаслга ўхшар.  
Базм оқшоми, бу — назм оқшоми,  
Тўйхона баҳорий сайлга ўхшар.

Меҳнат, муҳаббатсиз кечган умрнинг,  
Емғирсиз булутдай кўчган умрнинг.  
Шам мисол бир ёниб ўчган умрнинг  
Мазмуни эскирган нақлга ўхшар.

Ҳаққушга хатарсиз ошён муносиб,  
Кўклам қушларига чаман муносиб,  
Йигит-қизга аҳду паймон муносиб,  
Бусиз кўнгил зилу замбилга ўхшар.

Куёвга вафоли қаллиқ ярашмиш,  
Тиллари шакар ҳам болли ярашмиш.  
На бахтки, юзлари холлик ярашмиш,  
Келин гулга, куёв булбулга ўхшар.

Келин қайнонага эш бўлиб юрса,  
Бўй қизлар ичинда пеш бўлиб юрса,  
Таъби равшан, вақти хуш бўлиб юрса,  
Юрган ери райҳон, жамбилга ўхшар.

Келинчак бор уйнинг кўрки бўлакча,  
Келиннинг куёвга эрки бўлакча.  
Бошида укпарн, бўрки бўлакча,  
Сочлари саҳройи сумбулга ўхшар.

Манзил, муроди бир, аҳди бир бўлмиш,  
Орзу ўйлари бир бахти бир бўлмиш ,  
Тақдир, талпиниши, тахти бир бўлмиш,  
Икки ёшнинг йўли бир хилга ўхшар.

Осмонидан ўлан аримас бу эл,  
Юзга кирмай эли қаримас бу эл,  
Теграсига қазо доримас бу эл,  
Олтин дарвозали Чамбилга ўхшар.

## СЕНИНГСИЗ

Баркамол ёшинг қутлуғ, ажаб қайрилма қош қиз,  
Соҳибжамоллигига ой билан кун талош қиз,  
Ўзи, кўзи, ой юзи танда жонга туташ қиз,  
Жунун савдосин солма бу бошга париваш қиз.

Тилга киргайми ёрсиз созчининг таронаси?  
Сенсиз келган кўкламнинг борми экан маъноси?  
Васлинга етмоқ мудом шайдойинг таманноси,  
Сенмасми мани этган беқарор, бебардош, қиз?!

Мен учун бу дунёнинг кўркамлиги сен билан,  
Беармонун беафгон, бекамлиги сен билан.  
Ўн саккиз минг оламнинг оламлиги сен билан,  
Бу жаҳонда кўрмасин шаҳло кўзинг ҳеч ёш, қиз.

Сулув, сенингсиз кўзга кенг жаҳон тор кўринур,  
Тоғларда унган лола ўрнида қор кўринур,  
Бу лаб бир қатра сувга ташнаи зор кўринур,  
Тобакай бўлгай сани ошёнинг Шош, қиз?!

## М Е Р О С

Азалдан бор нарса мерос деган гап,  
Йиғиб, йиғинарлар топганин мақтаб.  
Сўнгги кун бисотда борини атаб  
    Отадан болага қолсин дедилар,  
    Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Қирқ қуббали жуган, зарли ёлиўшлар,  
Ёқут, олмос мисол «топилмас» тошлар,  
Ичи неларгадир тўла болишлар  
    Отадан болага қолсин дедилар,  
    Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Кўммада, қўрада неки бор — бари,  
Боғу чарбоғлари, лўкчаю нори,  
Боболардан қолмиш қўлдаги тори  
    Отадан болага қолсин дедилар,  
    Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Ақиқ мисол мудом беғубор, софлик,  
Хешларга садоқат, душманга дафлик,  
Гўрўгли султондай бир сўз, бир гаплик  
    Отадан болага қолсин дедилар,  
    Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Дунёсиз дунёни бекор, дедилар,  
Тамбаллар ҳар қачон хор-зор, дедилар.  
Эндиги бор савдо, бозор, дедилар.  
    Отадан болага қолсин дедилар,  
    Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Тугамас хазина, кетмас бир давлат,  
Етар-етмас кунда сабру қаноат,  
Баланд мартабаю улкан саодат.



Отадан болага қолсин дедилар,  
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Ҳали ушалмаган не орзу ўйлар,  
Ҳали чалинмаган сеҳрли куйлар,  
Ҳазонсиз чаманлар, муаттар бўйлар  
Отадан болага қолсин дедилар,  
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?  
Нордай бир бардошлик, тоғдай сабот ҳам,  
Фаровон ризқи рўз, барқарор бахт ҳам,  
Шу боқий умр, шу порлоқ ҳаёт ҳам  
Отадан болага қолсин дедилар,  
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?

## **КЎРГИМ КЕЛАДИ**

*(Синглим Дилоромга)*

Чаман-чаман гулзорнинг кўрки, кўркамлигини,  
Юлдузларнинг саҳарлар сирли, бекамлигини,  
Тўлин ойда ҳамиша ёруғлик жамлигини  
Сенинг жамолингда кўргим келади.

Тоғ бўлса — баланд бўлса, ер-кўкка монанд бўлса,  
Кўнглида доғ не қилсин, дил-дилга пайванд бўлса,  
Орзуларим эзгулик билан мудом банд бўлса  
Қадду камолингда кўргим келади.

Боғ-роғлар эпкинини авжи чилла-қишда ҳам,  
Мушки ноб бўйларини тўй-ҳашам нолишда ҳам,  
Субҳи содиқ елларин ўнгим тугил тушда ҳам  
Шарпа-шамолингда кўргим келади.

Бўйга тўлган қизларнинг беғубор кулгиларин,  
Беғубор кулгиларин — саодат белгиларин,  
Табиатнинг инсонга танқис бир улгуларин  
Юздаги холингда кўргим келади...

Чўлпон порлоқлигидай танҳо, танқис бир дамни,  
Тундан йироқлигидай — тугамас бир карамни,  
Тунда ой. кундуз кунни — азалий ўчмас шамни —  
Бахту иқболингда кўргим келади.

## СИЗНИ ЭСЛАЙМАН

*(Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияга)*

Қарчиғай учқурлиги, жайрон бола соқлиги,  
Чашмалар тиниқлиги, дарёлар уйғоқлиги,  
Эзгуликнинг ҳамиша кўнгилга қўноқлиги  
Борасида бирма-бир  
Айтилса тавсиф, таъбир,  
Сизни эслайман.

Бўйга тўлган не қизлар шеър ишқида ёнсалар,  
Тушларида, ўнгида кимнидир соғинсалар,  
Биринчи севгисига суяниб, снғинсалар,  
Туз-намак, нон ҳурмати,  
Жону жаҳон ҳурмати,  
Сизни эслайман.

Не қорли, қабоҳатли, не бир армонли кунлар,  
Ердан айрила тушмиш — машъум, ҳижронли кунлар,  
Азалик, таъзиялик — қонталош, қонли кунлар  
Қай маҳал ёдга тушса —  
Юрак-бағрим уюшса,  
Сизни эслайман.

«ТОНГ ҚУШИҒИ» чалинса тонг чоғлари қулоққа,  
Қўйилгандай бўлиб чек умрлик айрилиққа  
«БАХТ КҮЙЧИСИ» келгандай бўладир берироққа...  
Шундай бир сирли кезде  
Ешлар қалқиса кўзда,  
Сизни эслайман.

Саодатли кунларда «ҚУЕШЛИ ҚАЛАМ» бирла,  
Бирда бардош, бирларда дард, ҳижрон, алам бирла,  
Гоҳи тенгсиз жасорат, гоҳида карам бирла  
Қуйласа кимдир ёниб,  
Урганиб, оловланиб,  
Сизни эслайман.

Биби, Гулчеҳраларнинг мунг не билмас созидан,  
Ойдин, Ҳалималарнинг бехатар парвозидан,  
Баҳор, Эътиборларнинг иззат, имтибзидан,  
Сўз кетса давраларда,  
Тўй-томоша, қурларда,  
Сизни эслайман.

«МУШОИРА» кетидан мушоира уланса,  
Оқшом тонгга туташиб, диллар дилга боғланса.  
Ҳеч тузалмас дардлар ҳам шеър билан даволанса...  
Терма, қўшиқни бошлаб,  
Улмасликни олқишлаб,  
Сизни эслайман.

«ҚАШФИЁТ»сиз дамларни ҳеч дам санамасларни,  
Орсизларни ҳеч қачон ҳамдам санамасларни,  
Шуъласиз юлдузларни бир шам санамасларни  
Кўриб, кўришганимда,  
Дилдан сўрашганимда,  
Сизни эслайман.

Шеърин чаман қопламиш ҳар қадам, нзингизни,  
Ким ҳам ҳавас қилмайди эларо мавқеингизни.  
«Умр ўтмоқда», — дебсиз, умрингиз боқий Сизни  
Қайда кўрсам чинорни,  
Қалби боғни, баҳорни,  
Сизни эслайман.

## СОЗЧИ ҚУШИҒИ

Олти ой эримас Оқтовнинг қори,  
Кўкида чарх урар қарчигай, сори.  
Ўзига мос бўлса йигитнинг ёри,  
Бахтидан шод бўлса онайизори,  
Мақтовин келтирар сайроқ торим, ҳей.

Яхшилик бор ерда шай бўлган созсан,  
Тунлари тўлишган ой бўлган созсан.  
Ташна лаб дилларга сой бўлган созсан,  
Не эзгу куйларга бой бўлган созсан.  
Сайрасанг қолмагай нола, зорим, ҳей.

Боғларда барқ уриб очилсин лола,  
Булбул дард чекмасин, қилмасин нола,  
Қўлдан-қўлга ўтсин қирмиз пиёла,  
Сеҳримиз, меҳримиз элга ҳавола.  
Сен билан бу юртда эътиборим, ҳей.

Базми қизитиб, кўнгил овловчи,  
Ажиб бир оҳангда дилни боғловчи,  
Саҳнада ўзини гўё чоғловчи,  
Куй билан душманнинг кўнглин доғловчи,  
Армонли кунларда ғамгузорим, ҳей.

## ДАРҒИ АЗИМ

(Эргаш Жуманбулбул ўғлига)

Сиз дарёи азимсиз чайқалиб, чалқиб оққан,  
Не бир қаро кунларда симобдай қалқиб оққан.  
Бирда чорбоқ оралаб, бирда тутақиб оққан,  
Авжи келса ёз тугул чиллада балқиб оққан.

Сиз булбулу гўёсиз булбулдай хониш этган,  
Тунга марсия ўқиб, тонгга навозиш этган.  
Қаҳри келса ёзни куз, гулбаҳорни қиш этган,  
Достонсароляғ сирин элда намойиш этган.

Ошиқларнинг ичгани майи антахур бўлур.  
Антахур кайфин суриш гофилларга сир бўлур.  
Бошга тушса юртида шоҳ ҳам мусофир бўлур,  
Гўяндалиқда ким ҳам сизчалик машҳур бўлур!

Қимлар куйлаб ўтмади, тепасида дор туриб,  
Бир қўлида майи ноб, бир қўлида тор тутиб.  
Ўрталиқда шуҳрат ё номус туриб, ор туриб,  
Ғолиб келиб қай кезлар баҳрин зотн сор тутиб.

Ҳа, оқинга ўлим йўқ, забуни завол йўқдир,  
Созида, овозида бир қатра залол йўқдир.  
Сўз қадрини билмас бир созчига камол йўқдир,  
Тонг чоғи тонгдай тиниқ топилмас хаёл йўқдир.

«Ўртоқ Ленин» ҳақида ҳикоят айлаган — Сиз,  
Сўз дарёсин ошириб, тошириб боғлаган — Сиз,  
Улан қадрин билмаслар кўнглини доғлаган — Сиз,  
Лек ўзин осмон эмас, ер каби чоғлаган — Сиз.

Ҳеч кимсанинг ёшлиги кечмасин армон билан,  
Орзулари, ўйлари қоришмасин қон билан.  
Сиз етдингиз муродга шу қутлуғ замон билан,  
Ким ҳам қувонмас бу кун сиз қурган Қўрғон билан.

Сиз дарён азимсиз, тинимсиз тошиб оққан,  
Элга ҳаёт бахш этиб, дилга туташиб оққан.  
Не хавfli, не хатарли тоғлардан ошиб оққан,  
Бирда Зарафшон, бирда Сирдай ярашиб оққан.

## БОЛДИЗИМ

(Ҳазил)

Айланай. бодомқовоқ болдизим-ов  
Ярқ этиб кўкда учган юлдузим-ов,  
Тўйинда ўйнаб-кулиб хизмат қилай,  
Дарёда ўйноқлаган кундузим-ов.

Бир кезлар меҳрим чексиз оширгансан,  
Улуглаб номим, йўғим яширгансан.  
Енингга қўшиқ излаб келганимда,  
Кўкламда тошган сувдай тоширгансан.

Кўш ўрим бўлиб сочинг белга тушди,  
Мақтовинг ер кўкда тилга тушди.  
Сендай қиз нози билан «соч силатиб»,  
Қон-қардош қорақалпоқ — элга тушди.

Кун кеча тиним билмас қизмасмидинг?  
Тегишиб хаёлимни бузмасмидинг?  
«Роҳат» га ўйнаб дуркун қизлар билан,  
Кечалар мажлис, базм тузмасмидинг?

Ранжима бу сўзимга, бовуримсан,  
Ёрқиним, ёш юрагим ҳовурисан.  
Келинчак бўлиб бугун ўтиришда,  
Гулдираб, чарақлаган совиримсан.

Тўй қутлуғ, бахтли эрга эш бўлибсан!  
Менимча, улкан уйга бош бўлибсан.  
Меҳмон бўл энди бизнинг овулларга,  
Баркамол, ажаб қаламқош бўлибсан!



## **МЕНИ МАФТУН ҚИЛМОҚ ИСТАРСАН...**

Уйлатмаган сен эдинг, сўйлатмаган сен эдинг,  
Не бир куйларга солиб, куйлатмаган сен эдинг,  
Бирда сайратиб, бирда бўзлатмаган сен эдинг,  
Мени Мажнун қилмоқ истарсен...

Куймай десам куйдириб, ёнмай десам ёндириб,  
Кузимни қиш, қишимни баҳорга айлантириб,  
Бир дамда ўтга солиб, бир дамда ўртантириб,  
Мени мафтун қилмоқ истарсен...

Иўлларибга кўз тутиб, кўзларим толар бўлди,  
Хаёлимда бир ўзинг — билмадим нелар бўлди?  
Аҳволимдан, ҳолимдан улус уялар бўлди...  
Мени Мажнун қилмоқ истарсен...

Армон қолгайми менга — сен келганда кун мисол,  
Сен келганда кун мисол — кўнглим ҳам бутун мисол.  
Гоҳида Жайхун мисол, гоҳида Сайхун мисол,  
Мени мафтун қилмоқ истарсен...

Сен ўзга бир карашма, сен ўзга бир ноз билан,  
Баъзида ноз аралаш ўзга бир араз билан,  
Сўз бўлмаса саз билан, саз бўлмаса роз билан,  
Мени Мажнун қилмоқ истарсен...

Сенингсиз бу оламда созим, созлигим қайда?  
Олма юзлигим қайда, қора кўзлигим қайда?  
Қора кўзлигим тугил ўзим-ўзлигим қайда?  
Мени Мажнун қилмоқ истарсен...

## СУЛУВ

Сир бўйида бир сулув,  
Кўпдан сақлаб сир сулув,  
Сувдан сўраб тургандай  
Тушига таъбир сулув...

Субҳ елидан маст бўлиб ҳаққуш сайрамоқдайди,  
Қайлардадир най саси... Кўнгил яйрамоқдайди.  
Она-бола қалдирғоч ҳали қўналғасида,  
Гурунғ қурилганча йўқ, сарҳовуз ёқасида.  
Чорвадорлар ҳой-ҳуйи Чатқол этақларида,  
Дорилпанаҳ ташвиши жон-жонивор барида...  
Тоғлар тўши ёришиди, демак тонг отаётир,  
Бўса тилаб бир гўзал ёрин уйғотаётир...  
Ҳулқар ҳам оғди ҳисоб, нақ тушлиқда тарози,  
Қайдам, кечган бу тундан ким рози, ким норози...

Мен шу саҳар Сир бўйин сайр этиб кезмоқдайдим,  
Не учун ман бу тунни бедор ўтказмоқдайдим?  
Тулпори тойларимни ёйиб қўйиб тўқайга,  
Термилиб Самон йўли, Зухал ҳам тўлин ойга,  
Севмоқ, севилмоқликнинг сирин ўрганмоқдайдим,  
Ер васлига етмоқнинг дардида ёнмоқдайдим...

Сир бўйлаб кезмоқдайдим, ўзим севган сувчи қиз,  
Кўпдан бери ишқида мани куйдирувчи қиз.  
Сув бўйида турарди гулсапсардай товланиб,  
Чақнаб турган тимқора кўзлари порлаб, ёниб,  
Сарви дейми, Санобар алифдай туришини?

Уксимасми ўхшатсам гунчага кулишини?  
Заркокилга муҳтожмас, сирға на тиллақошга,  
Учмайди, учмагай ҳам забаржад, олмос тошга!

Мушки тотар, упорсиз сочининг ўзи офати,  
(Мани афсунсоз этган шу қизнинг шарофати).  
Қаргашойи кўйлаги монанд тушган бастига,  
Топалмасдим ҳеч қиёс қошининг пайвастига.  
Қиз сувга ёвуқ келиб, салом солгандай бўлиб,  
Тилсиз ва тинсиз сувдан сал уялгандай бўлиб,  
Суралайдай силаниб, айта бошлар тушини,  
Бир тушимас, ройиши ҳам борлик хоҳишини:

— Гул шодаси-шодаси, булбул гулнинг адоси,  
Бошга тушди бу оқшом муҳаббат ибтидоси.  
Туш кўрибман тушимда, баланд чўққидамишман,  
Чўққидан чўнг қояга, чиқмоқ машқидамишман.  
Қирлар оша қоқиниб, сой келса сарсон бўлиб,  
Қўйлар кезган ўр келса, мушкулим осон бўлиб,  
Кетмоқдайдим қаршимдан поёни йўқ жар чиқди,  
Чор атрофи чоҳ мисол таппа-тайёр дор чиқди.  
Бир маҳал тоғ лочини чарх урармиш бошимда,  
Жон сўрасам бергудай парвонамиз қошимда.  
Қани, чиқ қанотимга, айт, қайга қўнай дермиш.  
Неки фармон айласанг, мен шунга унай дермиш.  
Фалокатдан қутқарди, ўтинчим бажо айлаб,  
Мен қолдим яхшилигин бу кўксимга жо айлаб,  
Лочин ўша йилқичи суйган йигитим бўлиб,  
Ишқ ўтида ўртаниб, куйган йигитим бўлиб,  
Машъуқасин кўрмоққа кўпдан мунтазир бўлса,  
Бу бошга савдо тушган чоғларда ҳозир бўлса,  
Қайс бўлса Лайлосиман, соз бўлса садосиман,  
Отаётган тонг ҳаққи йўлида адосиман.  
Муборақ Сир, тўғри йўй, саҳар кўрган тушимни,  
Ерга етказ, кўйида ўртаниб ёнишимни...

Қиз гўё сархуш бўлиб, унутганди борлиқни,  
Сездим у ҳам кечирган бошдан иштизорликни.  
«Ҳа» сўзини ололмай дорда эдим ман ҳануз,  
Узун тунлар тўлганиб, ютмоқдайдим қон ҳануз.  
Шодмон эдим ман бу кун ният холислигидан,  
Ҳижрон деган балонинг манди олислигидан.

Сирга айтиб сирини, ўз ишига ёр кетди,  
Дарё бўйин тарк этиб, мисоли баҳор кетди.  
Пахтазорга сулув сув тараш билан банд эди,  
Ҳар шона, ҳар кўсакка жон-дили пайванд эди.  
Мен ҳамон хилватдаман, лек кўзларим сувчида —  
Шарму ҳаёси билан жонимни олғувчида...  
Ошиқлик-да, не қилай ман май ичмай маст эдим,  
Наздимча, қиз кўнглига кўз-қошдай пайваст эдим...

## ГУЗАЛ ГУЛИСТОНИМСАН

Сирдарё сийнасига гулдай ярашиб тушган,  
Шам билан, Камар билан ҳусн талашиб тушган,  
Тонглари ёруғликда Зухродан ошиб тушган  
Муборак ошиёнимсан,  
Гўзал Гулистонимсан.

Ильич башоратидан кўзгудай равшанлигинг,  
Дўстлик шарофатидан обод, нурафшонлигинг,  
Элу юрт меҳнатидан фаровон гулшанлигинг,  
Тўкин дастурхонимсан,  
Гўзал Гулистонимсан.

Сайр этсам боғларингда, кўнгил ўсар тоғчалик,  
Дилим равшан тортади сўнмас бир чироқчалик,

Қўшиқ қайнар кўксимда сарчашма булоқчалик,  
**Жонимсан, жаҳонимсан,**  
Гўзал Гулистонимсан.

Тунинг билан кунингни фарқи кўзу қош мисол,  
Еру самовотингга жонимиз туташ мисол,  
Бағрингда барча бирдай — жондош, отадош мисол,  
Ушалган армонимсан,  
Гўзал Гулистонимсан.

## КУКЛАМ

Боботоғ ортида момақалди роқ,  
Гулдураб, ёриди яқину йироқ.  
Кўкда сузган булут момикдан ҳам оқ,  
Қошқийди бошланса ёмғир ёғалоқ...

Ёмғир, ёмғир, ёғ булут  
Келди ёғар чоғ булут.  
Ёғсанг лола баргида  
Қолмагай ҳеч доғ, булут.

Сайҳонда кишнайдн тўпичоқ, тойлар,  
Боҳорни мадҳ этар сўфитўрғайлар.  
Равочга ошиён не сўлим жойлар,  
Тошқинга интизор жилғаю сойлар.

Анҳор тўлиб сув келсин—  
Сой тўлиб эрув келсин.  
Сув юзида оқ ғозу  
Суқсурдай сулув келсин.

Камалакдай кумушранг кенг даламиз,  
Тупроқ, тоши — олтинга тенг даламиз.  
Кўклам келса, тинчимас шалоламиз —  
Ҳар тонг меҳнат завқида уйғонамиз.

Тоғларнинг қори танқис,  
Оҳу, олқори танқис.  
Қир, адир, пахтазорда  
Меҳнат баҳори танқис.

## БИЗ ЖАҲОН БОЛАЛАРИ

— Эрта куннинг бахтли эгалари ким ўзи?  
Барча халқлар таянчи, дарғалари ким ўзи?  
Қитъаларнинг бузилмас қалъалари ким ўзи?  
— Биз жаҳон болалари.

Қувонамиз элларнинг қалби тутатиб турса,  
Бир-бирига муҳаббат, меҳри ҳам ошиб турса.  
Осмонида ой, қуёш, юлдуз ярашиб турса,  
Биз жаҳон болалари.

Ҳеч адоват, ҳеч низо бўлмасин орамизда,  
Ҳеч қачон мунг бўлмасин қўшиқ, таронамизда.  
Тўплар саси бўлмасин, деймиз сайёрамизда,  
Биз жаҳон болалари.

Қўрмайлик ҳеч кимсанинг бемаврид кўз ёшини,  
Оналарнинг табиат, фалакдан нолишини,  
Чўпу ҳасга ўт тушиб, ўрмоннинг ёнишини,  
Биз жаҳон болалари.

Эл саломат, қўрғон бут, юртлар бенизо бўлса,  
Камол топмоғимизга офтоб андоза бўлса,  
Шод бўламиз кўк тиниқ, сувлар ҳам тоза бўлса,  
Биз жаҳон болалари.

Боғу роғлар булбулсиз — маъносиз қолмасин ҳеч,  
Она боласиз, бола онасиз қолмасин ҳеч,  
Истар эдик: инсон ер, самосиз қолмасин ҳеч,  
Биз жаҳон болалари.

Бир-бирига ҳамиша жўр бўлса овозимиз,  
Тинчлик кабутаридай эш бўлса парвозимиз,  
Фахрлардик бир бўлса имкон, имтиёзимиз,  
Биз жаҳон болалари.

Тилимиз бошқа-бошқа, ўй-дилимиз бир асли,  
Манзил, муродимиз бир, ўртада йўқ сир асли,  
Бир бўлсак қудратимиз денгиздай кабир асли,  
Биз жаҳон болалари.



## А Л Ё Р

Поччамизни бу кеча базмда синаймиз, деб  
Алёр-алёр айтишиб, назмда синаймиз, деб.  
Қайин юртим қизлари мани кўрмоқ истабди.  
Бу ишга бош бўлинг, деб янгажонни қистабди.  
Хар қизларки, бўй-басти жон олиб, бергудай,  
Ибо қилсам авзойи: одоб сақлаб тургудай.  
Сездим қизлар жазмини: ажиб базм қилгудай,  
Ўрни келса, шўхи ҳам менга таъзим қилгудай.  
Сатқа бўлсин жон майли, бири эмас, бирига.  
Фақат айтар сўзим бор чанқовузи бориға...

Мен ҳам қўлда созимни,  
Чала олсам кошкийди.  
Салобати босмасдан  
Қола олсам кошкийди.  
Ўйинчисин ёнимга  
Кўндиролсам кошкийди,  
Шаънига бир сўз айтиб,  
Кўндиролсам кошкийди.  
Оҳу кўзнинг олдида  
Олдирмасам кошкийди,  
Кўнглин инжитиб, доққа  
Қолдирмасам кошкийди.

Қизитмоқ-чун даврани Сайди билан Санобар,  
Бири тушиб ўйинга, бири чалди «Тановор».  
Хаё билан Ойқиз ҳам тол чивикдай буралар,  
Малоҳат юз мақомда бўз тўрғайдай йўрғалар.  
(Даричадан қай биров «бир кўрсақ», деб мўралар,  
Чунки, илож йўқ эди беш кетмасдан, жўралар.)

Товус янглиғ товланиб чиқди Қумри ўртага,  
Бирпас турди «Жонон» ни билмайман, деб жўрттага.  
Ақлим шошди ёпирай, бу қизларнинг шўхлигин.  
Дўстим, сен ҳам кўрсайдинг бир-биридан кўхлигин.

Рақс тинди, афтидан, айтишмоққа гал келди,  
Ял-ял ёнган қирмизи шокосада бол келди,  
Сарвқомат янгажон, яъни қора қош келди,  
Бир қўлида гулдаста, бир қўлида ош келди,  
Билагининг оқлигин... Ҳали қиздан ёш келди,  
Садағаси кетсанг оз: яхши ишга бош келди.

Сўзга жуйрук Жамила бошлаб берди «Алёр» ни,  
Бўш келманг сиз ҳам, дея бизнинг юзи холдорни:  
— Маърай-маърай қир ошган қўша-қўша қўймикин?  
Бўктаргининг макони увамикин, ўймикин?  
Эзгуликнинг кечи йўқ, деганлари тўймикин?  
Почча, сизни ром этган ўша моҳирўймикин?  
Жом тагида қолдирманг алёр-алёр, ўдаға<sup>1</sup>.

— Чилвир-чилвир сочингиз тарам-тарам, жон қизлар,  
Оғушингиз мисоли боғи Эрам, жон қизлар,  
Ширин-сухан сўзингиз жонга ором, жон қизлар,  
Жомингизни олмасдан йўқдир чорам, жон қизлар,  
Қўлларимни толдирманг, алёр-алёр, садаға.

— Уруғ-аймоқ ордоқлар қатордаги норини,  
Эр йигитлар улуғлар жондан суйган ёрини.  
Ишга солинг бармоқда дўмбирангиз торини.  
Дилингизда неки бор, тўкиб солинг барини,  
Тўпланганмиз бу кеча, алёр-алёр, айтгани.

---

<sup>1</sup> Утиришнинг каттаси.

— Саратонда, ярқирар қорли тоғлар қояси,  
Жон роҳати мезонда қўшчинорнинг сояси.  
Кўзларимга тўтиё кўзларингиз зиёси,  
«Биров»ларга тегишли сўзларингиз қиёси.  
Ой ҳам ботиб боради рухсат беринг қайтгани.

— Сўфитўрғай чарх уриб қўнса кўздан йироққа,  
Чевар қизлар аксини туширолмас қуроққа,  
Сизни чечан дейдилар, сайқал беринг туроққа,  
Қўш ирғайдай эгилиб «биров» ёққан чироққа,  
Тарқалмасин базмимиз, алёр-алёр, тонгача.

— Сайқал берсам, сайқал берай,  
Юзи қордай оқ қизлар.  
Ҳайдар кокил, сунбул сочли,  
Ўрта бўйли чоқ қизлар.  
Суйганига олма отган,  
Ё боши бўш тоқ қизлар.  
Ишқ кўйида куйиб ёнган  
Еки кўнгли тўқ қизлар.  
Шунқорини бир кўрмоқдан  
Бошқа ғами йўқ қизлар.  
Сўз-ваъдаси ёлғонларга  
Ҳар киприги ўқ қизлар.  
Ошиқларнинг таъбирича,  
Бу борада ҳақ қизлар.  
Сийналари сувдан тиниқ,  
«Алёр»га ўч, шўх қизлар.  
Миннатингиз бош устига  
Алёр-алёр, пок қизлар.  
Аҳдли бўлсин йўлдошингиз,  
Кўрмангиз фироқ қизлар.  
— Ўрта бўйли, чор... қиз деманг,  
Уяламиз-ей.  
Қўлдан тушар шарбат тўла

Пиёламиз-ей.  
Гар тўкилса қайта бошдан  
Қуёламиз-ей.  
Шарбат, болни сиздан қандай  
Қиёламиз-ей.

— Қуллуқ, қизлар, қавмингизни  
Ардоқларман бир умр.  
Бўлса пари-пайкарингиз  
Сир сақларман бир умр.  
Берган қутлуғ тузингизни  
Ҳам оқларман бир умр.  
Номингизни қайда бўлмай,  
Еруғ юлдуз, ойда бўлмай,  
Субҳи содиқ елларида  
Сўроқларман бир умр.  
Тоғ қизлари малоҳатин  
Нишонаси — бу.  
Каминани бир кўрмоқлик  
Баҳонаси — бу.  
**Расми русмин олижаноб** —  
Шоҳонаси — бу.  
Садоқати бир-ла аҳду  
Паймонаси — бу.

## ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

Бекат билан бекатнинг ораси кўз-қош янглиғ,  
Безаклари анвойи — нуқра, тамал тош янглиғ,  
Ер тагида порлаган юлдуз ё қуёш янглиғ,  
Камдан-камдир қиёси —  
Тошкент метроси.

Шаҳар шон-шавкатига бирам ярашиб тушмиш,  
Кошинлари ой билан ҳусн талашиб тушмиш,  
Йўловчилар тилида мақтовни ошиб тушмиш,  
Фаровонлик белгиси —  
Тошкент метроси.

Манзилинг яқин этиб, дилни чароғон қилар,  
Афзаллигин қадамда кўз-кўз, намоён қилар,  
Уриниб-суриниб йўқ, тушмаган армон қизлар.  
Мудом бирдай ҳавоси —  
Тошкент метроси.

Боболар қилмиш орзу шундай ёруғ кунларни,  
Сизу биздай йўли оқ, ризқ-рўзи бутунларни.  
Раҳнамомиз ечолди ечилмас тугунларни,  
Тун-кун бирдай зиёси —  
Тошкент метроси.

Кундан-кун обод бўлар Тошкент — дўстлик қалъаси,  
Юксалмиш, камол топмиш кўҳна Шарқ машъаласи.  
Бунда ҳар қилинган иш яхшилик нишонаси,  
Келар инсон ҳаваси —  
Тошкент метроси.

## ЕРУҒ ЮЛДУЗДАН САЛОМ

Сайёрада туриб битган соғинч хатим,  
Хат орқали бор эътиқод, муҳаббатим.  
Етиб борсин Мирза отли инимизга,  
Жондай жигар, дил равшани — кунимизга.  
Алҳол, биздан ҳолу аҳвол сўрар бўлсанг,  
Е соғиниб йўлимизга қарар бўлсанг,  
Минг бор қуллуқ дўст, оғайни соғинчига,  
Тилакдошмиз тўй-томоша, қувончига.  
Бизлар бунда соғ-омонмиз, хотиржаммиз,  
Тўрт кўз тугал, бағир бутун, жамулжаммиз.

Узгармоқда кундан-кунга ҳаётимиз,  
Авж олмоқда савти наво, баётимиз.  
Қишлоғимиз шаҳар бўлар, ҳадемасдан,  
Сўнг яшармиз бу йилгидай қишламасдан.  
Гулга тўлар ҳар муюлиш, хиёбони,  
Сада бўлар ошиқларнинг соябони.

Қайтсам магар ердан қандай келганликка,  
«Молния» да нурдан ҳам тез елганликка.  
«Космодром» да хайрлашиб сизлар билан,  
Валентина мисол қанча қизлар билан,  
Ер йўлдоши «Улугбек»да бир кун тунаб,  
Сафар жабдуқларин бунда обдон синаб,  
Оймомага эсон-омон етиб келдик,  
Тўфонлардан хавф-хатарсиз ўтиб келдик.  
Бирон соат сайр айлаб ой юзини,  
Телескопда кўриб Миррих юлдузини,

Она ерга таъзим қилиб қайта-қайта,  
Тошу тупроқ, тоғларига сано айта.

Ҳеч нарсага ўхшатолмай болларини,  
Мирзатерак, сада, мажнунтолларини,  
Хумор этиб фаргонача қаҳва чойлар,  
Ўғиз оши, калла гўшти, кулчатоилар,  
Бахмал бўйи чалоблари, гулоблари,  
Қақлик шўрва, танқис тандир кабоблари.

Парвоз этдик тонг юлдузи қайдасан, деб,  
Одамзодга азалдан кўп шайдосан, деб.  
Фазогирга ҳеч гап эмас йўл деганинг,  
Оташ ҳаво, музликлару дўл деганинг.  
Бир кун қўниб «Ер юлдузи» работига,  
Қойил қолиб одамзоднинг қудратига,  
Чақмоқ мисол кўтарилдик Чўлпон томон,  
Зулмат ичра дунё кўрки — қуёшсимон.  
Ҳаяллаб ё йиллаб эмас, ой, ҳафтада,  
Сарсон бўлмай, бўлмай афғор ё афтода;  
Серманзилга этиб бордик тонг отганда,  
Тўрғай сайраб бўй қизларни уйғотганда.

Зухро юзи бизлар билан обод бўлди,  
Бешикаста қўнганликдан дил шод бўлди,  
Дўстлар бизни: «Ҳорма — бор бўл», қилишгани,  
Қандай келиб, борганимиз билишгани,  
Асалари мисол бизни ўрадилар,  
Ер юзини қайта-қайта сўрадилар.

— Қитъаларнинг бари беҳавф, беҳатарми?  
Уруш деган балолардан беҳабарми?  
Ҳамон борми тараф-тараф — гузаронлик?  
Бош-бошдоқлик, корчалонлик, зўравонлик?  
Нечук ҳамон тинчималти тўплар саси?

Бомбаларнинг қиронга мос гулдуриси?  
Тинчидими Америка дағдағаси?  
Қайси давлат холис, қайси эл оғаси?

Не гаплар бор, Оврупода, Чин Мочинда?  
Қимдир тинчлик ваъда айлар тил учинда?

Африкада келгиндилар кўпми ҳали?  
Қалай бўлғор, ҳабашларнинг ҳол-аҳволи?

Энди сўзни недан бошлаб айтсам экан?  
Нени айтиб, нени ташлаб айтсам экан?  
Жаҳон билар: масканимиз — тонг юлдузи,  
Ердан тамом фарқ қилади тун, кундузи,  
Энди қайтай сенга айтар ўтинч гапга,  
Ўтинчларим ёзса сизмас бир китобга...  
Ер қайдаю, кўкда Еруғ юлдуз қайда?  
Бориб-келиб туриш энди йилда, ойда...  
Трамвайда эрта чиқиб кеч қайтгали,  
Шошиб-пишиб тўйга айтиб оч қайтгали.  
Қўшни шаҳар, қўшни қишлоқ, қўшни элмас,  
Жоним укам, энди сендан шу илтимос.

Тўйимизнинг муддатидан хабардорсан,  
Тўй рўйхати, хизматида сен ҳам борсан,  
Тўйимизнинг тарқашню, бошламаси,  
Ўйин-кулги, зиёфати, ҳангомаси,

Бошланмайди сизлар етиб келмагунча,  
Сизлар келиб қур, даврамиз тўлмагунча.

Қанча келса камлик қилар дили поклар,  
Лек келмасин бадном, бахил ё нопоклар.

Дарбоз келса бош устига, дор келмасин,  
Шуҳратпараст, дилда кеки бор келмасин.



«Наво»чалик ёқтирувчи тўп сасини,  
Улмай туриб ўлганларнинг барчасини  
Ола келма самони ҳам наҳс бомбасин,  
Тонг юлдузи сену биздан ўксимасин...  
Таништирай энди сенга холи борни,  
Бахт-иқболи ҳам тилида боли борни:  
Космосгашта Кумара қиз — Ҳинд гўзали,  
Олима қиз, гап-сўзлари кўп мазали.  
У менингсиз туролмайди, мен унингсиз,  
Кунларимиз хушбахт ўтар, ўтар мунгсиз...  
У ҳам ёзда ўз элига «Тўй хати»ни,  
Баён этиб, саодатли ҳаётини.  
Айтишича келар кўплаб Ҳинд қизлари,  
Тўғрироғи, каминанинг болдизлари.  
Келар эмиш яна қанча қолғучилар,  
Яна қанча Венерада қолғучилар.  
Яна келар қанча элдан кўз танишлар,  
Укам, сенга айтсам ана шундай ишлар...

\* \* \*

Оғанг беҳад чўзди, укам «Тўй хати» ни,  
Букмагай деб минбаъд сендай қанотини.  
Тўйимизга келар барча кекса-ёшни,  
Яхши-ёмон кунда бирдай қариндошни  
Сўраб қўйиб, тўйга айтгил қайта-қайта,  
Бор иқтидор, ихлосимиз айта-айта.

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ

Чаноқлари саноқсиз юлдузларни эслатур,  
Беғуборлик, софликда бўй қизларни эслатур,  
Тиниқликда сийнаси доғсизларни эслатур —  
Ўзбекистон пахтаси.

Зар деса, зар дегулик, дур деса, дур дегулик,  
Қадр-қимматда олтин ё жавоҳир дегулик,  
Не бир қорли тоғлардай элда машҳур дегулик —  
Ўзбекистон пахтаси.

Нондай ардоқли, азиз, тиллога тенг толаси,  
Хар чигит, ҳар кўчати — саодат нишонаси,  
Юртимизнинг тугамас бойлиги, дафинаси —  
Ўзбекистон пахтаси.

Пахтазор гавҳар тўла бир денгизга ўхшайди,  
Ойдин йўли ғуборсиз тонгимизга ўхшайди,  
Айтаверса таърифи тимсолсизга ўхшайди —  
Ўзбекистон пахтаси.

Халқимизнинг ризқ-рўзи, орзулари, армони,  
Армонлари ушалгай тугал бўлиб хирмони,  
Кўзларининг қорачиқ, сурмайи сулаймони —  
Ўзбекистон пахтаси.

Йилдан-йилга юксалиб, кўкка туташиб борар,  
Силсилали тоғлардай салмоғи ошиб борар,  
Шону шавкатимизга донғи ярашиб борар —  
Ўзбекистон пахтаси.

Тўй-томоша кунлари созчиларнинг созида,  
Сарвинозлар рақсида, ҳофизлар овозида,  
Қўпнинг жону дилида, дарғалар парвозида —  
Ўзбекистон пахтаси.

## ИШҚ

Асил деҳқондай бўлса ҳар кишининг софлиги,  
Қилар ишининг таъна, миннатдан йироқлиги,  
«Оқ олтин»чалик бўлса юрагининг оқлиги,  
Еруғликка эшлиги, ўчлиги, чанқоқлиги,  
Пайвастадир кўнглига давр ишқи, даврон ишқи.

Арзийди пахтакордан ўрганса жўмардликни,  
Дўсту ёрга садоқат, ҳамнафас, ҳамдардликни.  
Қалбнинг покизалиги, беғараз бегардликни,  
Тупроқдан дур яратмиш тенгсиз бунёдкорликни,  
Қайга етса қадами ўйида чаман ишқи.

Тўй-тўйлашгудай бўлсам магар ўзлигим билан —  
Қасб-кори пахтакорлик саҳархезлигим билан,  
Тутгани олтин бўлган ҳар бир сўзлигим билан,  
Етар бўлсам муродга қора кўзлигим билан  
Жой олмай иложи йўқ бу дилдан ёрон ишқи.

Она юрт омонлиги — кўпнинг беармонлиги,  
Кўпнинг беармонлиги — соҳиби давронлиги.  
Эл ободлиги қайда, қайда юз ширмонлиги.  
Қайта шодмонлик, қайда рўзгор фаровонлиги  
Бу тупроққа тушмаса аслида деҳқон ишқи.

Керак бўлса бу элдан аяйдиган жон борми?  
Бу ота юртдан ўзга муқаддас макон борми?  
Бу тупроқдан, бу тоғдан улугроқ арқон борми?  
Дунёда «оқ олтин»дай ҳеч туганмас қон борми?  
Сиз — бизда диёр ишқи, булбулда ошён ишқи.

Олгани отланган чоғ йўлларинг очиқ бўлса,  
Гўё осмон кўз бўлиб, юлдуз қорачиқ бўлса.  
Ниятингга муносиб манзил ярашиқ бўлса,  
Ҳар ким ҳам пахтакордай касбига ошиқ бўлса,  
Тиниқ булоқдай қайнар қонида замон ишқи.

Тўй-тўйларга улашиб бўй қизлар хиром этса,  
Дала лочинларига дилдан эҳтиром этса,  
Деҳқон аҳли касб-корин элда муҳтарам этса,  
Созчи кўпни олқишлаб кўнгилларни ром этса,  
Ҳар сийнада жўш ургай жонажон Ватан ишқи.

## АРЧА

Шаһнингта бир неча сўз айтар бўлдик,  
Сўзни шеърга улаб узайтар бўлдик.  
Созчини ўридан қўзғатар бўлдик,  
Сен учун гурунгда сўзлатар бўлдик...

Сенсиз тоғ саналмас тоғларнинг тоғи,  
Сенсиз ном олмасди ул Эрам боғи.  
Сенсиз ўлан, қўшиқ айтолмам чоғи,  
Борсам ошиёнингдан қайтолмам чоғи.

Умримиз сен каби қаримас арча,  
Биз бор ерга хазон доримас, арча.  
Сендан ўтинадимиз бир елмос, арча,  
Қўқар боғимизда, илтимос, арча,

## СИР БҮЙИ УЛАНЛАРИ

Мамажон ота деган аввал бошдан,  
Жавоҳир ундирганмиз тупроқ, тошдан.  
Пойгада қолиб чиққан чавандознинг  
Билинар ўзбеклиги бир қарашдан.

Меҳнатсиз тўй, тўёна, хандон қайда?  
Тарона, завқ, замзама, ўлан қайда?  
Вақтида этик ечиб сув кечмасанг,  
Жон қайда, жонон қайда, маъдан қайда?

Ялқов элга ор келтирар,  
Бадномлар такрор келтирар.  
Ўз халқига мартабани  
Қатордаги нор келтирар.

Самовот мисол чексиз ой даламиз,  
Қўл урсанг мўл ҳосилга шай даламиз.  
Бел боғлаб сидқидилдан хизмат қилсанг,  
Шираю шарбат, конга бой даламиз.

Мирзайи азим букун гул макони,  
Олуца, олма, анжир, беҳи кони.  
Сайри боғ этсанг магар боғларида,  
Губордан холи бўлгай инсон тани.

Қора совуқ қор келтирар,  
Күнни кўзга тор келтирар.  
Кўп бир бўлса ўз элига,  
Чиллада баҳор келтирар.

Иўл тўлиб тўрга қатор қарвон ўтар,  
Товланиб намойишга алвон ўтар.  
Бир йиллик ҳосил юки елкасида  
Ларзага солиб ери равон ўтар.

Қўқламдан то қузгача гулчи мисол,  
Манзилин мўлжаллаган йўлчи мисол.  
Тадбиру такаллуфда ўз халқининг  
Мушкулин осон этган элчи мисол.

Зангори кемамизнинг соҳиблари,  
Элининг мартабали голиблари,  
Тўдага солди пўлат отларини  
Эзгулик ихлосманди, толиблари.

Турсунбой, Шерқул оға иш қўзини  
Билса-да, камтар санар хўп ўзини.  
Саодат, Сотиволди, Раъно терган  
Пахтани ёйсанг қоплар ер юзини.

Яхшининг яхши кунда суюқлиги  
Айтилар теранлиги, юруклиги,  
Ой юриб, омон бориб, ойдан боқсанг,  
Қўринар Октябрнинг буюқлиги.

Дўстга дўст дармон келтирар,  
Номардлар армон келтирар.  
Одамзодга аҳилликни  
Советдай замон келтирар.

Бў юрда тўй кетидан тўй бошланур,  
Мардларнинг номи шунда олқишланур.  
Хофизлар шахнозию шоҳ дostonлар  
Сиз азиз пахтакорга бағишланур,



Улкан тўйга улгимиз деб,  
Яхшиликдан белгимиз деб  
То тонггача тарқамасин  
Ўйин билан кулгимиз деб.

Созандалар саз келтирар,  
Ҳофизлар шаҳноз келтирар.  
Гўяндалар барчангизга  
Гулдан поёндоз келтирар.

Боғбонлар гул ундирар тош устина,  
Ризқ-рўзи полвон келар ош устина.  
Қўли гул, йўли очик меҳнаткашни  
Арзийди гар кўтарсанг бош устина.

## ОРЗУЛАРИМ

Табиатдан тилагим:  
Тутганим олгин бўлса,  
Айтганларим юракка  
Кўз-қошдай яқин бўлса.

Фозил бахши созидай  
Тунни шодон ўтказса.  
Ҳалима овозидай  
Етти иқлимни кезса.

Ҳамид нафаси каби  
Музни эрита олса.  
Рақсананинг кўзёшин  
Артиб, овута олса.

Жийрон қуш парвозидай  
Ҳеч сояси бўлмаса.  
Ҳофизлар шаҳнозидай  
Ниҳояси бўлмаса.

Ислом шоир байтидай  
Шўх бўлса, қувноқ бўлса.  
Кўш булбул баётидай  
Ҳар дилга қўноқ бўлса.

## ҚАРҒИШ

Сен қизни ўкситган хароб, хор бўлсин,  
Бир умр севгига иштиқ, зор бўлсин.

Гулга ўхшатганди у сени бошда,  
Шайдойинг бўлибоқ бир бор қарашда.  
Бундай бевурдларнинг ёз тугил қишда  
Қадами етган ер тиканзор бўлсин.

Сохта эди буткул навозишлари,  
Куйиб-ёнишлари, ёлворишлари.  
Энди ўша лочин чоғланишлари  
Оёқ ости билан баробар бўлсин.

Орадан ой ўтмай кўзларингда ёш,  
Гўё еру осмон сенга қайғудош.  
Қайда юрган бўлса ўша бағри тош,  
Умри бошданоёқ бебаҳор бўлсин.

Мажнунтолдай эгма, мағрур бошингни,  
Бўтакўзларингдан тўкма ёшингни.  
Бир оқшомлик ўша ёстиқдошингни  
Бебахтлиги тундай барқарор бўлсин.

Не бир кўргуликлар тушиб бошига,  
Қўшилолмай қавми қариндошига.  
Зор бўлиб қизларнинг бир қарашига  
Жунун гўшасида дарбадар бўлсин.  
Гулзор хазон бўлмас зоғ қўнган билан,  
Вафосиз дўст бўлмас тутинган билан,

Дил яраси битмас ўртанган билан,  
Йўлдоши ҳамиша хавф-хатар бўлсин.

Қайта бошдан сенга шайдойи бўлиб,  
Бир оғиз сўзингни гадойи бўлиб,  
Ишқингда аввора, адойи бўлиб,  
Аро йўлдан қолсин, нолакор бўлсин.

Сен қизни хўрлаган хароб, хор бўлсин.  
Бир умр васлингга интизор бўлсин.

## АЙРИЛМАС

Бўз ямоғи бўз биландир,  
Санам алвондин айрилмас.  
Боз ўйини боз биландир  
Булбул сумандин айрилмас.  
    Борнинг иши бор биландир,  
    Дилхун дилозор биландир,  
    Беор беорлар биландир,  
    Сўқим сомондин айрилмас.  
Иўлдош бўлсанг ёмон бирла,  
Қилмиши беомон бирла,  
Шаънингга бешоён бирла  
Умринг пушмондин айрилмас.  
    Қайтар бўлса гар омадинг,  
    Тингламагай кимса додинг,  
    Беҳудадир арз, фарёдинг,  
    Дўстинг душмандин айрилмас.  
Уч бўлгандай қузғун дошга  
Мол ошноси етар бошга —  
Текканида оғзинг ошга,  
Баднафс камонддин айрилмас.  
    Нопок нопокка эш бўлиб,  
    Кўнгли тун — беқуёш бўлиб,  
    Ҳақ олдида бойқуш бўлиб,  
    Умри сурондин айрилмас.  
Бағри бутун бардошлининг,  
Эл, улус, тоғу тошлининг.  
Кўнглин ол кўзи ёшлининг.  
Яхши ёрондин айрилмас.

Ким айрилмас бўлса ҳақдан,  
Кела берар бахт ҳар ёқдан.  
Ҳазар қил ҳаром томоқдан  
Ножинс армондин айрилмас.  
Мардлар мудом бирдай бўлиб,  
Теракликда Сирдай бўлиб,  
Қўнгли ёз. баҳордай бўлиб,  
Ҳаргиз имондин айрилмас.

## М У Н Д А Р И Ж А

Соҳиби давронимсан . . . . .	3
Илтижо . . . . .	5
Қайдадир . . . . .	7
Менинг қоракўзгинам . . . . .	8
Уйнаса . . . . .	11
Узга сони чалгулик қилма . . . . .	13
Гул кўчат . . . . .	15
Бўлмаса . . . . .	16
Қўшиқ қайдан келади? . . . . .	18
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли . . . . .	19
Ухшар . . . . .	21
Сенингсиз . . . . .	23
Мерос . . . . .	24
Қўрғим келади . . . . .	26
Сизни эслаймак . . . . .	27
Созни қўшиғи . . . . .	29
Дарён ағим . . . . .	30
Болдизим . . . . .	32
Мени мафтун қилмоқ истарсен . . . . .	33
Судув . . . . .	34
Гўзал Гулистонимсан . . . . .	37
Кўклам . . . . .	38
Биз жаҳон болалари . . . . .	39
Алёр . . . . .	41
Тошкент метроси . . . . .	45
Еруғ юлдуздан салом . . . . .	46
Ўзбекистон пахтаси . . . . .	50
Ишқ . . . . .	52
Арча . . . . .	54
Сир бўйи ўлавлари . . . . .	55
Орзуларим . . . . .	58
Қарғиш . . . . .	59
Айрилмас . . . . .	61

**Сулаймон Тўра.**

Қоракўзгинам. Шеърлар. Т. «Ёш гвардия», 1981.—64 б.

**Сулайманов, Т.** Моя черноглазая. Стихи.

Уз2

■  
*На узбекском языке*

**ТУРА СУЛАЙМАНОВ**

**МОЯ ЧЕРНОГЛАЗАЯ**

**Стихи**

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1981

Редактор Тўлкин

Рассом Ф. Шокиров

Расмлар редактори А. Фуламов

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор Ш. Аминова

ИБ № 823

Босмахонага берилди 7. 06. 1981 й. Боснига рухсат этилди 11. 09. 1981 й. Р 09091. Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурасида юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,0. Нашр листи 1,819. Тиражи 10000. Буюртма № 193. Шартнома № 160—80. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахонаси. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44.